


### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХҮЖАЛИГИ

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида соҳасида фаолият кўрсатаётган жами юридик шахслар сони 15954 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 6198 тага ёки 28,0 % га камайган. Шунингдек, 2020 йил январь-март ойларида вилоятда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида 474 та хўжалик субъектлари янги ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,5 % га кўпайган.


#### Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётганлар юридик шахсларни худудлар кесимида таҳлили, бирликда



2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 3300,4 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 %, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 3110,4 млрд. сўмни (103,9%), ўрмончилик хўжаликларида 151,9 млрд. сўмни (101,9%), балиқчилик хўжаликларида 38,1 млрд. сўмни (105,0 %) ташкил қилди.


Хусусан юқори ўсиш суръатлари Ўртачирчик (104,1 %), Куйичирчик (104,0), Пискент (104,0 %) ва Паркент (103,9 %) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Охонгарон тумани (102,7), Нурафшон (102,3%), ва Бекобод (102,6%), шахарларда эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

**2020 йилнинг январь-март ойларида худудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ҳажми, млрд.сўмда**



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг (хизматлар)ининг катта ҳажми Зангиота тумани 340,3 млрд.сўм ни ташкил этиб, худудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди, Ўртачирчик ва Янгийўл туманларида мос равища 261,2 млрд.сўм ва 255,8 млрд.сўм кузатилди. Энг кам ҳажм Янгийўл 4,2 млрд.сўм Оҳонгарон 7,1 млрд.сўм ва Олмалиқ 12,0 млрд.сўм шаҳарларида қайд этилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)  
умумий ҳажмида худудларнинг улуси**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)ининг умумий ҳажмида Зангиота туманинг улуши (10,3 %) ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Ўртачирчиқ (7,9 %), Янгийўл тумани (7,8 %), ва Қиброй тумани (7,5 %), кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Олмалиқ (0,4 %), Оҳангарон (0,2 %) ва Янгийўл (0,1 %) шаҳарларида қайд этилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 % ни, шу жумладан, дехқончилик маҳсулотлари 103,2 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 104,0 % ни ташкил қилди.


### **Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши**



Хўжаликлар бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 82,6 % - дехқон ( шахсий ёрдамчи ) хўжаликларига, 5,7 % - фермер хўжаликларига, 11,7 – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

**2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Сабзавотлар  
(тонна)**



**Дехқончилик.** 2020 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 13,7 минг тонна сабзавот (103,2 % қўп) йигиб олинди.

Етиширилган сабзавот экинларининг юқори кўрсаткичлари Зангиота 3262,3 тонна, Тошкент 2871,1 тонна, Чиноз туманларида 2128,8 тоннани ташкил этган бўлиб, паст кўрсаткич Олмалиқ 1,0 тонна, Янгийўл 3,1 тонна, Оҳангарон шахарларига 3,1 тонна тўғри келди.

**Чорвачилик.** 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иирик шохли қорамоллар 102,7 % (жами 879,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,4 % (368,3 минг бош), қўй ва эчкилар 106,6 % (938,3 минг бош), отлар 103,9 % (51194 бош), паррандалар 108,4 % га (15,0 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 84,7 %, сут ишлаб чиқаришда 95,8 %, тухум ишлаб чиқаришда 52,8 % ташкил этди.


### **2020 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони**

**Йирик шохли қорамоллар  
(минг бош)**

**шу жумладан: сигирлар  
(минг бош)**



## Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



## Паррандалар (минг бош)



Йирик шохли қорамоллар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткични Бўстонлиқ 79,8 минг бош ва Бекобод туманларида 74,6 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 2,1 минг бош, Олмалиқ 2,3 минг бош ҳамда Нурафшон шаҳарларида 4,0 минг бошни ташкил этди.

Шу жумладан сигирлар энг юқори кўрсаткич Бўка 31,2 минг бош ҳамда Бекобод туманларида 30,8 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 0,3 минг бош ва Бекобод шаҳарларига 0,4 минг бош тўғри келган.

Энг кўп қўй ва эчкилар Оҳангарон 204,9 минг бош, Бўстонлиқ 156,1 минг бош, Паркент туманларида 102,3 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 0,9 минг бош, Бекобод 1,6 минг бош, Чирчиқ шаҳарларида 3,3 минг бошни ташкил этди.


Парандалар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Зангиота 4059,5 минг бош, Бўстонлиқ 2007,2 минг бош, Қибрай 1854,0 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 5,1 минг бош, Олмалиқ 10,6 минг бош, Нурафшон шаҳарларида 12,2 минг бошни ташкил этди.

### **2020 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони**

|  | <i>минг бош</i> | <i>ўсиш суръати,<br/>% да</i> |
|--|-----------------|-------------------------------|
| <b>Йирик шохли корамол</b>                             | <b>879,4</b>    | <b>102,7</b>                  |
| <i>шу жумладан:</i>                                    |                 |                               |
| Фермер хўжаликлари                                     | 70,6            | 111,7                         |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари          | 769,0           | 101,9                         |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 39,8            | 103,7                         |
| <b>улардан сигирлар</b>                                | <b>368,3</b>    | <b>101,4</b>                  |
| <i>шу жумладан:</i>                                    |                 |                               |
| Фермер хўжаликлари                                     | 21,8            | 102,3                         |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари          | 335,5           | 101,3                         |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 11,0            | 103,7                         |
| <b>Қўй ва эчкилар</b>                                  | <b>938,3</b>    | <b>106,6</b>                  |
| <i>шу жумладан:</i>                                    |                 |                               |
| Фермер хўжаликлари                                     | 244,6           | 121,3                         |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари          | 658,0           | 101,4                         |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 35,7            | 122,3                         |
| <b>Отлар</b>   | <b>51,2</b>     | <b>103,9</b>                  |
| <i>шу жумладан:</i>                                    |                 |                               |
| Фермер хўжаликлари                                     | 7,2             | 116,5                         |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари          | 42,1            | 102,2                         |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,9             | 101,1                         |

|  | <i>минг бош</i> | <i>ўсии суръати,<br/>% да</i> |
|--|-----------------|-------------------------------|
| <b>Паррандалар</b>                                     | <b>14994,0</b>  | <b>108,4</b>                  |
| <i>шу жумладан:</i>                                    |                 |                               |
| Фермер хўжаликлари                                     | 550,0           | 79,5                          |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари          | 9214,0          | 101,0                         |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 5230,0          | 130,2                         |

**Чорва моллари ва паррандалар бош сонида  
хўжаликлар тоифаларининг улуши**



- █ Фермер хўжаликлари
- █ Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- █ Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 87,4 %, фермер хўжаликларида эса 8,0 %, шу жумладан, сигирлар мос равишда 91,1% ва 5,9 %, қўй ва эчкилар 70,1% ва 26,1 %, отлар 82,3 % ва 14,0 %, паррандалар 61,5 % ва 3,7 % ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 68,0 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 4,2% кўп), 156,6 минг тонна сут (3,6 % кўп), 253,5 млн. дона тухум (4,4 % кўп) ишлаб чиқарилди.

**2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган  
чорвачилик маҳсулотлари**

|  | <i>миқдори</i> | <i>ўсии суръати,<br/>% да</i> |
|--|----------------|-------------------------------|
|--|----------------|-------------------------------|

|                                    |             |              |
|------------------------------------|-------------|--------------|
| Гўшт (тирик вазнда), <i>минг т</i> | <b>68,0</b> | <b>104,2</b> |
|------------------------------------|-------------|--------------|

*шу жумладан:*

|                    |     |       |
|--------------------|-----|-------|
| Фермер хўжаликлари | 1,8 | 100,1 |
|--------------------|-----|-------|

|   |      |       |
|---|------|-------|
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 55,8 | 104,1 |
|---|------|-------|

|  |      |       |
|--|------|-------|
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 10,4 | 105,3 |
|--|------|-------|

|                           |              |              |
|---------------------------|--------------|--------------|
| <b>Сут, <i>минг т</i></b> | <b>156,5</b> | <b>103,6</b> |
|---------------------------|--------------|--------------|

*шу жумладан:*

|                    |     |       |
|--------------------|-----|-------|
| Фермер хўжаликлари | 8,4 | 100,3 |
|--------------------|-----|-------|

|   |       |       |
|---|-------|-------|
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 141,5 | 103,7 |
|---|-------|-------|

|  |     |       |
|--|-----|-------|
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 6,6 | 105,4 |
|--|-----|-------|

|                                |              |              |
|--------------------------------|--------------|--------------|
| <b>Тухум, <i>млн. дона</i></b> | <b>253,5</b> | <b>104,4</b> |
|--------------------------------|--------------|--------------|


*шу жумладан:*

|                    |      |      |
|--------------------|------|------|
| Фермер хўжаликлари | 12,2 | 93,2 |
|--------------------|------|------|


|   |       |       |
|---|-------|-------|
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 121,5 | 104,6 |
|---|-------|-------|

|  |       |       |
|--|-------|-------|
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 119,8 | 105,5 |
|--|-------|-------|

**Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби  
(ишлаб чиқарии умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)**




**2020 йилнинг январь-март ойларида худудлар кесимида асосий турдаги  
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**



2020 йилнинг январь-март ойларида гўшт ишлаб чиқариш худудлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп ишлаб чиқарган худудлар Зангиота 6,8 минг тонна, Ўртачирчик 5,8 минг тонна, Янгийўл туманлари 5,3 минг тонна бўлса, Янгийўл 0,1 минг тонна, Бекобод шаҳарларида 0,2 минг тонна ишлаб чиқарилган.

Бўстонлиқ 15,2 минг тонна, Юқоричирчик 13,6 минг тонна, Бекобод 13,3 минг тонна, Паркент туманлари 11,2 минг тонна сут ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичлардан ўрин олган бўлса, аксинча Ангрен шаҳар 4,0 тонна Янгийўл шаҳарлари 6,0 тонна сут ишлаб чиқариб нисбатан паст кўрсаткичлардан ўрин эгаллади.

## Тухум (млн. дона)



Вилоятда тухум ишлаб чиқариш бўйича 2020 йилнинг январь-март ойларида энг юқори кўрсаткични Қибрай 57,5 млн.дона, Зангиота 38,4 млн.дона, Ўртачирчиқ туманларида 37,9 млн.донани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Оҳангарон 0,3 млн.дона, Нурафшон 0,4 млн.дона Олмалиқ 0,5 млн.дона ва Ангрен шаҳарларида 0,5 млн.донани ташкил этди.

**Фермер хўжаликлари.** 2020 йилнинг январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 174,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 5,7 % ташкил этди.

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 70,6 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 21,8 минг бош сигир, 244,6 минг бош қўй ва эчкилар, 7171 бош от, 550,0 минг бош паррандалар мавжудлиги тасдигини топди.

**2020 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

|                       | январь-март |   |          |   | 2019 январь-марта<br>нисбатан %<br>ҳисобида |  |
|-----------------------|-------------|---|----------|---|---|--|
|                       | 2019 йил    |   | 2020 йил |   |   |  |
|                       | тонна       | ишлаб<br>чиқариш<br>умумий<br>ҳажмидағи<br>улуши, % | тонна    | ишлаб<br>чиқариш<br>умумий<br>ҳажмидағи<br>улуши, % |   |  |
| Сабзавот              | 1 319,0     | 9,9   | 1 340,0  | 9,8   | 101,6                                       |  |
| Гўшт, тирик<br>вазнда | 1856,0      | 2,8   | 1858,0   | 2,7   | 100,1                                       |  |
| Сут                   | 8414,0      | 5,6   | 8440,0   | 5,4   | 100,3                                       |  |
| Тухум,<br>млн.дона    | 13,1        | 5,4   | 12,2     | 4,8   | 93,2  |  |